

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.33/01.02.2022.Ped.146.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

ИГАМБЕРДИЕВ ОБИДЖОН РУБДУЛЛА ЎҒЛИ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАГИ 11-12 ЁШЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ
ФУТБОЛ БИЛАН ШУҒУЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

УДК: 796.062:061:07

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Игамбердиев Обиджон Рубдулла ўғли

Умумтаълим мактабларидаги 11-12 ёшли ўқувчиларни футбол билан шуғуллантириш орқали жисмоний тайёргарлигини ошириш.....3

Игамбердиев Обиджон Рубдуллаевич

Повышение физической подготовленности учащихся 11-12 лет общеобразовательных школ путём занятий футболом.....29

Igamberdiyev Obidjon Rubdulla ugli

Improving a physical preparation of secondary schoolchildren aged 11-12 through training with football.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.33/01.02.2022.Ped.146.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

ИГАМБЕРДИЕВ ОБИДЖОН РУБДУЛЛА ЎҒЛИ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАГИ 11-12 ЁШЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ
ФУТБОЛ БИЛАН ШУҒУЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2020.3.PhD/Ped1845 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uzdjtsu.uz ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуримов Раҳмонберди Игамбердиевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрдонов Ориф Латипович
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Акрамов Жасур Анварович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти ҳузуридаги PhD.33/01.02.2022.ped.146.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кун тарқатилган.
(2021 йил “___” _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Маткаримов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси п.ф.д (DSc), профессор

Ж.М.Иштаев

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д (PhD), доцент

Р.М.Маткаримов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси п.ф.д (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда футболнинг ривожланиб бориши футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини доимий ўсиб бориши билан боғлиқ. Футбол спорт турининг жадал ривожланиши натижасида майдондаги ҳаракатлар кўлами кенгайиб, самараси ортиб бормоқда. Ушбу омил футбол бўйича захираларни таъминлаш билан бирга ёш футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигига ҳам юқори талабларни қўяди, бу эса ёш футболчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ва уларнинг ўқув машғулотлари сифатини яхшилаш талабини келтириб чиқармоқда. Шунини инобатга олган ҳолда умумтаълим мактабларида футбол тўғаракларини ташкил этиш ва уларда шуғулланувчи ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳам долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда футбол билан шуғуллантириш тизимини тўғри йўлга қўйиш, ўқувчилар организмига жисмоний юкламаларни таъсир қилиши, мактаб ўқувчиларининг машғулот юкламаларини меъёрлаш, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳаракат самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тезкор футбол учрашувларига мувофиқ шуғулланиш воситаларини оптималлаштириш бўйича кўплаб илмий – тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Футбол тўғаракларида шуғуллантириш орқали ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, машғулот воситалари ва усулларини доимий такомиллаштириш муҳим омиллардан бири бўлиб бормоқда. Бу борада мактаб ўқувчиларининг синфдан ташқари машғулотларда жисмоний тайёргарлигини ошириш ва уларнинг машғулот юкламаларини меъёрлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб, мактаб ўқувчилари ўртасида ҳаракат кўникмаларининг зарур фондини шакллантириш, ўқувчиларнинг асосий жисмоний тайёргарлигига замин яратади, соҳада олиб борилган тадқиқотлар мактаб ўқувчиларини футбол спорт тури билан шуғуллантириш борасида ҳал этилиши керак муаммолар бор эканлигини кўрсатмоқда. Республикада “...болалар ва ўсмирларнинг футбол билан шуғулланишга қизиқишини ошириш, ҳаваскор футболни оммавийлаштириш, бу борада умумтаълим мактаблари, бошқа таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда футбол бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш”¹ муҳим аҳамият касб этади. Бу эса болаларни футбол билан шуғуллантириш, уларни жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишини ошириш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирларитўғрисида” ги № ПФ 5887 сон фармони. Халқ сўзи газетаси, 6 декабр, 252-сон.

тўғрисида” № ПФ 5887-сон, 2020 йил 24 январдаги “Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон Фармонлари, 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3031-сон, 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 3610-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий – маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш, уларнинг дарсдан ташқари машғулотларини ташкил этиш, мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсларида шуғуллантириш ва асосий жисмоний сифатларини тарбиялаш бўйича Т.С.Усмонхўжаев., Р.С.Саламов., О.В.Гончаровалар бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар.²

Футболчиларни тайёрлаш, турли ёшдаги футболчилар тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари, ёш футболчиларнинг тайёргарлик турлари, улар машғулотларини оптималлаштириш ва ёш футболчиларни жисмоний тайёргарлигини ошириш масалалари бўйича И.А.Кошбахтиев., Р.И.Нуримов., Р.А.Акрамов., Ш.Т.Исеев., С.Р.Давлетмуратов., Д.К.Исмагилов ва Ф.Р.Махаммаджановлар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган. Ўрганилган адабиётлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки шуғулланувчи ёшларни жисмоний тайёргарлигини ошириш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб масалалардан биридир.³

Чет эл олимларидан мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини назорат қилиш, таълим муассасаларида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича Лях В.И., Годик М.А., Бальсевич В.К., Лубышева Л.И кабилар қатор илмий изланишлар олиб борганлар. Турли ёшдаги футболчилар тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари,

² Усмонхўжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с двигательной активностью: Автореф. дис... док.пед.наук. Т., 1995.-50 с.; Саламов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. 2018.-296 б.; Гончарова О.В. Болалар жисмоний сифатларини тарбиялаш. Илмий техника ахбороти пресс нашриёти, 2018.-204 б.

³ Кошбахтиев И.А. Управление подготовкой футболистов, Учебное пособие. Т., 2001.-124 б. Нуримов Р.И., Акрамов Р.А., Исеев Ш.Т., Давлетмуратов С.Р.: Футбол назарияси ва услубияти. Илмий техника ахбороти пресс нашриёти 2019.-432 б. Исмагилов Д.К. Разработка методов оптимизации физического совершенствования студентов на основе спортивно-ориентированного физического воспитания. Дисс... док. философии (PhD). Чирчик. 2018.-160 с. Махаммаджанов Ф.Р. Эффективность подготовки юных футболистов на основе учета возрастных особенностей организма. Дисс. док. философии (PhD). Чирчик. 2018.- 25 б.

машғулотларни шуғулланувчилар организмга жисмоний юкламаларини таъсири, футбол билан шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ва назорат қилиш бўйича Кузнецов А.А., Костюкевич В.М. Гужаловский А.А., Запоражанов В.А. каби бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу олимларнинг фикрича, ҳаракат тайёргарлиги ўқувчилар соғлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Футбол спорт турида ўзгарувчан вазиятлардаги ҳаракатлар сонининг кўплиги, тез ва чакқон бажариладиган ҳаракатлар ва ўйин вақтининг узоқ муддатлиги футболчилардан барча жисмоний сифатлари – жисмоний тайёргарлиги яхши бўлишини талаб этади.⁴

Дарсдан ташқари машғулотларда қатнашиш ўқувчиларни янада соғлом қилиши исботланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини футбол тўғаракларига қамраб олиш ва уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбиялашда ва уни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ушбу масалани ўрганиш долзарб ҳисобланади ва янада чуқур ҳамда ҳар томонлама изланишларни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тарбияланувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия тизимида педагогик технологияларни такомиллаштириш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларидаги 11-12 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун ёшга оид хусусиятларини инобатга олган ҳолда футбол тўғаракларни ташкил қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

футбол билан шуғулланувчиларнинг асосий жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган махсус машқларни машғулотларга тадбиқ қилиш ва мусобақаларга тайёрлаш имконияти кенгайтириш;

умумтаълим мактабларида шуғулланувчиларнинг ёшини инобатга олган ҳолда футбол тўғаракларини ташкил қилиш, уларни оммавий спорт билан қамраб олиш ва машғулотларни ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш;

⁴Лях В.И. Двигательные способности школьников: основы теории и методики развития. - М.:Терра-Спорт, 2000 – с 192.; Годик М.А. Сравнительный анализ эффективности различных систем физического воспитания в школах. Теория и практика физической культуры. - 1990. - № 9. с 15-17.; Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Модернизация школьного урока на основе спортивно-ориентированного физического воспитания. Российский государственный университет физической культуры, спорта и туризма, г Москва.2004.-с 32.; Кузнецов А.А. Футбол – настольная книга детского тренера. -М: Олимпик-человек. 2008-72 с.; Костюкевич В.М. Построение тренировочных занятий в футболе. Винница: Планер, 2013-194.-с 103.; Гужаловский А.А. Этапность развития физических (двигательных) качеств и проблема оптимизации физической подготовленности детей школьного возраста: Автореф. дисс... док.пед.наук. - М., 1979.-с 57.; Запоражанов В.А. Комплексный контроль в современном спорте. Теория и практика физической культуры -1982.-№2.-с 41-43.;

асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида йиллик машғулот воситалари ва жисмоний тайёргарликни оширишга йўналтирилган машқларни қатъий тартибга солиш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш имкониятларини такомиллаштириш;

футбол билан шуғулланувчи 11-12 ёшли ўқувчиларнинг машғулотларида қўлланиладиган жисмоний тарбия воситаларини шиддати ва ҳажмини меъёрлаш, машғулотларда қўлланиладиган машқлар ритмини белгилаш, такрорлаш сонини жисмоний тайёргарликни ошириш учун мутаносиблигини аниқлаш ва машқлар серияларини оптималлаштириш орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган футбол тўғарақлари тарбияланувчилари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини футбол тўғарагида шуғулланувчи 11-12 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тарбия воситалари, методлари ва жисмоний машқлардан фойдаланиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, анкета сўрови, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, инструментал усул, педагогик тажриба, математик-статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

футбол машғулотларда шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун асосий жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган таёрлов, ўйин, тўп билан бажариладиган индивидуал ва гуруҳли машқларни йиллик машғулотларга киритиш ҳисобига мусобақаларга тайёрлаш имконияти кенгайтирилган;

умумтаълим мактабларида шуғулланувчиларнинг ёшини инобатга олган ҳолда футбол тўғарақларини ташкил қилишга қаратилган вақтинчалик ва доимий машғулот гуруҳларини тартиблаштирувчи тизимни ишлаб чиқиш ҳисобига оммавий спорт билан қамраб олиш имкониятлари кенгайтирилган;

асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида йиллик машғулот воситалари жисмоний тайёргарликни оширишга йўналтирилган ҳолда, ўртача машқ рукнига тўғри келувчи машқларни стандарт ва ўзгарувчан машқ услубияти бўйича қатъий тартибга солиш ҳисобига жисмоний сифатларни ривожлантириш имкониятлари такомиллаштирилган;

11-12 ёшли ўқувчилар учун мўлжалланган жисмоний тарбия воситаларини шиддати ва ҳажмини меъёрлаш орқали машғулотларда қўлланиладиган машқларритмини белгилаш, такрорлаш сонини жисмоний тайёргарликни ошириш учун мутаносиблигини аниқлаш ва машқлар серияларини оптималлаштириш ҳисобига жисмоний сифатлар ривожлантирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

футбол машғулотларда шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун асосий жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган

индивидуал ва гуруҳли машқларни қўллаш орқали мусобақаларга тайёрлаш имкониятлари кенгайтирилган;

умумтаълим мактабларида шуғулланувчиларнинг ёшини инобатга олган ҳолда футбол тўғаракларини ташкил қилишга қаратилган вақтинчалик ва доимий машғулот гуруҳларини тартиблаштирувчи тизим ишлаб чиқилган;

11-12 ёшли ўқувчиларнинг футбол машғулотларида қўлланиладиган жисмоний тарбия юкламаларини меъёрлаш орқали жисмоний сифатлар ривожлантирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси метадологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр – мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир – бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба – синов ишларининг репрезентивлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик статистика таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида умумтаълим мактабларида 11-12 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича танланган воситалар ва уларни қўллаш услубларининг илмий асосланганлиги ушбу соҳадаги маълумотларни, назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар амалиётчи мураббийларга умумтаълим мактабларида футбол тўғаракларини ташкил этишда юкламаларни меъёрлаш, шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини назорат қилиш учун ишончли тестлардан фойдаланиш, йиллик режаларни тузишда машғулот вариантларини қўллаш, жисмоний тайёргарликни ошириш жараёнининг самарадорлигини оптималлаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида 11-12 ёшли ўқувчиларнинг футбол тўғаракларига қамраб олиш орқали жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

футбол машғулотларда шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун асосий жисмоний сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган машқларни машғулотлар таркибига киритиш ҳисобига мусобақаларга тайёрлаш имкониятини кенгайтириш бўйича таклифлар “Футбол назарияси ва услубияти (Умумтаълим мактаблари ва БЎСМ ишларини режалаштириш)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги

106-рақамли буйруғи асосида 106-037 рақамли гувоҳнома). Натижада 11-12 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси 16,8% га яхшиланган;

умумтаълим мактабларида шуғулланувчиларнинг ёшини инобатга олган ҳолда футбол тўғаракларини ташкил қилишга қаратилган машғулот гуруҳларини тартиблаштирувчи тизимни ишлаб чиқиш ҳисобига оммавий спорт билан қамраб олиш имкониятлари кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар “Футбол назарияси ва услубияти (Умумтаълим мактаблари ва БЎСМ ишларини режалаштириш)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-рақамли буйруғи асосида 106-037 рақамли гувоҳнома). Натижада футбол тўғаракларига қамраб олиш 22,5% га яхшиланган;

асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида йиллик машғулот воситалари жисмоний тайёргарликни оширишга йўналтирилган ҳолда, ўртача машқ рукнига тўғри келувчи машқларни стандарт ва ўзгарувчан машқ услубияти бўйича қатъий тартибга солиш, жисмоний сифатларни ривожлантириш бўйича олиб борилган машғулотлар такомиллаштирилган ҳолда “Футбол назарияси ва услубияти (Умумтаълим мактаблари ва БЎСМ ишларини режалаштириш)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-рақамли буйруғи асосида 106-037 рақамли гувоҳнома). Натижада 11-12 ёшли ўқувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлик даражаси 18,1% га, махсус жисмоний тайёргарлик даражаси 12,4% га ошган.

11-12 ёшли ўқувчиларнинг футбол тўғаракларида қўлланиладиган жисмоний юкларни шиддати ва ҳажмини меъёрлаш орқали машғулотларда қўлланиладиган машқлар ритмини белгилаш, такрорлаш сонини жисмоний тайёргарликни ошириш учун мутаносиблигини аниқлаш ва машқлар серияларини оптималлаштириш ҳисобига жисмоний сифатлар ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар “Футбол назарияси ва услубияти (Умумтаълим мактаблари ва БЎСМ ишларини режалаштириш)” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-рақамли буйруғи асосида 106-037 рақамли гувоҳнома). Натижада футбол тўғаракларида шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланганлик даражасини 4,6 % га оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услубий қўлланма, 1 та дастур, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши 128 саҳифа матндан иборат бўлиб, кириш, 4 та боб, 14 та жадвал, 19 та расм, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар берилган.

“Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини оширишнинг илмий-услубий асослари” деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактабларида жисмоний тайёргарликни ошириш, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланганлик ҳолатларини баҳолаш, мактаб ўқувчиларининг синфдан ташқари машғулотларини олиб бориш, уларга бериладиган юктамаларнинг ҳажми ва болалар организмига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар ҳамда жисмоний тайёргарликни оширишда қўлланиладиган жисмоний машқларнинг аҳамияти ва илмий-услубий моҳияти мутахассис – олимларнинг фикр – мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиб берилган. Умумтаълим мактабидаги 11-12 ёшли ўқувчилар мос равишда 4-5-синфда бўлишади. Бу ёшда организмнинг ривожланиши нисбатан бир хил бўлади. Умуртқа эгиловчан, боғлам аппарати эластик, аммо етарлича кучли эмас. Мушаклар тизими ва ҳаракат регуляция марказлари жадал ривожланади.

Мавжуд маълумотларга кўра, 11-12 ёшли умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган. Таҳлил қилинган маълумотлар, кўрсатилган муаммоларни ечимини топиш учун футбол тўғарақларида шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш юзасидан машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ташкил қилинишида фойдаланилган усуллар, уларни қўллаш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган. Диссертация ишини бажариш ва ташкил қилиш учун фойдаланилган илмий тадқиқотлар методлари келтирилган. Тадқиқот ва педагогик тажрибани ташкил этиш масалалари, илмий ва илмий – услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, педагогик назорат синовлари, педагогик назорат машқ

(тест) лари, педагогик тажриба ва математик – статистик таҳлил услубидан фойдаланилганлиги келтириб ўтилган.

Педагогик тажриба учта босқичда ташкил қилинди:

1-босқич (2015-2018-йиллар) – мавзуга оид илгари чоп этилган ишларни назарий таҳлил қилиш, ҳал этилмаган муаммоларни аниқлаш, ушбу муаммони ҳал этиш бўйича замонавий амалиётни ўрганиш, ўрганилаётган муаммони ҳал этишга қўмаклашувчи жисмоний тарбия, спорт назарияси ва амалиётидаги чора-тадбирларни ўрганиш, тадқиқот фаразини ифодалашни амалга ошириш.

2-босқич (2018-йил сентябр ойидан 2019-йил май ойигача) асосий босқич ҳисобланиб, такомиллаштирилиб ишлаб чиқилган дастурнинг самарадорлигини текширишга йўналтирилган. Бу босқичда тажриба ўтказиш тизимининг бошланғич ҳолатини ўрганиш, назорат ва тажриба гуруҳларидан жисмоний тайёргарликни баҳолаш бўйича тадқиқотдан олдинги ва кейинги натижалар олиниб таҳлил қилинди.

3-босқич (2019-2021) – тажрибани яқунлашга йўналтирилган:

ижобий натижа берган тажрибанинг шарт-шароитлари тавсифи; тажрибавий таъсиротлари субъектларининг (шуғулланувчилар) хусусиятлари ёритилиб тажриба давомида аниқланган ўлчашлар тизимининг қўлланилиш самарадорлигини кўрсатган ҳолда олинган натижаларга таяниб тадқиқот яқунланди.

Диссертациянинг учинчи боби **“11-12 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарликларини тадқиқ этиш”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда умумтаълим мактабларида футбол тўғарақларини ташкил қилиш, шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, уларга берилаётган жисмоний юкламаларни меъёрлаш, ташкил этилаётган тўғарақларни тизимлаштириш, ташкил этилган тўғарақлар қониқарлилигини баҳолаш каби масалаларни ўрганиш учун махсус саволлар ишлаб чиқилди ва анкета сўровномаси ўтказилди. Сўровномада Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан танлаб олинган, имкониятлари ва шароитлари бир – бирига яқин бўлган 40 та умумтаълим мактабларининг 148 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчилари (тўғарақ раҳбарлари) иштирок этди. Сўровнома тадқиқотни ўтказишга доир 10 та саволдан иборат бўлиб, олинган натижалар қуйидагича бўлди.

Умумтаълим мактабларида футбол тўғарақларини ташкил этиш дастури ишлаб чиқилиши керакми? дея қўйилган саволга респондентларнинг 85% (126 та) и “Ҳа”, 15% (22 та) и эса “Йўқ” дея жавоб бердилар.

11-12 ёшли ўқувчиларнинг футбол тўғарақларида машғулот юкламаларига ажратилган вақтлар меъёрланганми? дея берилган саволга 8% (12 та) респондент “Ҳа” жавобини, 92% (136 та) “Йўқ” жавобини беришди.

11-12 ёшли ўқувчиларнинг машғулотлари давомийлигини ҳозиргига нисбатан ошириш керакми? дея қўйилган саволга 68% (101 та) респондент “Ҳа”, 32% (47 та) и эса “Йўқ” дея жавоб беришди.


Респондентларнинг берган жавоблари қуйидагиларни аниқлашга имкон берди:

умумтаълим мактабларида ўтказилаётган футбол секциялари тизимлаштирилмаган ва қониқарли эмаслиги;

шуғулланувчиларнинг машғулот юкламалари меъёрланмаганлиги; машғулотларни илмий асосланмаганлиги, машғулот воситалари таснифланмаганлиги;

шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини етарли даражада оширишга хизмат қилиши учун футбол тўғрақларини тизимли ташкил этилиш долзарблигини билиш мумкин бўлди.


Ўтказилган сўровнома натижаларига асосланган ҳолда умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун футбол тўғрақлари ташкил этилди. Тақдим этилган тизим бўйича 40 та умумтаълим мактабларида футбол тўғрақлари ташкил этилди ва тўғрақларда жами бўлиб 3846 нафар ўқувчи-шуғулланувчилар қамраб олинди (1-расм).



1-расм. Умумтаълим мактабларида футбол тўғрақларини ташкил этиш тизими.

Изоҳ: СБСЙ – синфлар бўйича спорт йўриқчиси.

Ўрганилган олимларнинг фикрлари ва тажрибаларидан келиб чиқиб, футбол тўғарақларида қўлланиладиган воситаларни таснифлаш машғулотни самарали ташкил этиш ва шуғуллантириш мақсадини амалга оширишда яқиндан ёрдам беришини англаш мумкин. Шу мақсадда тадқиқот давомида футбол тўғарақларида қўлланиладиган воситалар таснифи ишлаб чиқилди. Машғулот воситаларини таснифлашда жисмоний тайёргарликка алоҳида аҳамият қаратилди: асосий жисмоний сифатлар, махсус жисмоний сифатлар, миллий ва ҳаракатли ўйинлар, икки томонлама ўйинлар каби бўлимларга йўналтирилган ҳолда шакллантирилди (2-расм).



2-расм. Умумтаълим мактабларида ташкил этилган футбол тўғарақларида машғулот воситаларнинг таснифи

Тадқиқот ташкил этилгач, умумтаълим мактабларида анъанавий футбол тўғарагида шуғулланувчилар (НГ) ва биз томонимиздан ташкил этилган футбол тўғарақларида шуғулланувчилар (ТГ) нинг жисмоний тайёргарликларини баҳолаш мақсадида назорат тестлари олинди. Назорат ва тажриба гуруҳлари синалувчиларининг танланган тестлар бўйича педагогик

тажриба бошида кўрсатган натижаларининг статистик характеристикалари таҳлили олиниб, унда ҳар бир тест бўйича гуруҳдаги синалувчилар кўрсатган натижаларнинг ўртача арифметик қийматлари (\bar{X}), ўртача арифметик ёки стандарт оғиш (σ), вариация коэффициентлари (V) ҳамда НГ га нисбатан ТГ нинг ўртача арифметик қийматларининг абсолют ва нисбий фарқлари солиштирилган (1-жадвал).

Чунончи, НГ да тажриба бошида энг кичик вариация коэффициенти “6 минутли югуриш” масофасида ($V=6,11\%$), энг катта катталиги эса “3x10 м масофага моккисимон югуриш” га сарфланган вақтда ($V=19,67\%$) кузатилган бўлса, ТГ да ҳам айнан шу икки тест натижаларида, мос равишда, “6 минутли югуриш” масофасида $V=16,73\%$ ва “Узоқ масофага зарба бериш” назорат тестида $19,95\%$ кузатилди.

3.1-жадвал

Педагогик тажриба бошида назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳлари синалувчиларининг танланган тестлар бўйича кўрсатган натижаларининг статистик таҳлили (n=50)

Синов тестлари	Назорат гуруҳи			Тажриба гуруҳи			Фарқи		t	P
	\bar{X}	σ	V	\bar{X}	σ	V	Абсолют %	Нисбий %		
Турган жойидан узунликка сакраш, см	139,44	25,48	18,27	144,06	26,74	18,56	4,62	3,31	0,88	>0,05
6 минутли югуриш, м	1045,34	168,43	16,11	1031,76	172,66	16,73	-13,58	1,30	0,40	>0,05
3x10 м масофага моккисимон югуриш, с	10,37	2,04	19,67	10,76	2,14	19,89	0,39	3,76	0,93	>0,05
30 м масофага югуриш, с	5,98	1,05	17,56	6,12	1,1	17,97	0,14	2,34	0,65	>0,05
Гавдани олдинга эгиш, см	5,09	0,94	18,47	5,17	0,98	18,96	0,08	1,57	0,42	>0,05
Махсус жисмоний тайёргарлик										
30 м масофага тўпни олиб юриш, с	7,29	1,27	17,42	7,21	1,29	17,89	-0,08	1,10	0,31	>0,05
Узоқ масофага зарба бериш, м	34,38	6,66	19,37	35,53	7,09	19,95	1,15	3,34	0,84	>0,05
Турган жойидан тўлдирма тўпни улоктириш (1 кг), м	3,68	0,68	18,48	3,59	0,68	18,94	-0,09	2,45	0,66	>0,05

Шунинг билан бирга, педагогик тажриба бошида НГ ва ТГ синалувчиларининг ўрганилган ҳамма назорат тестлари бўйича натижаларининг ўртача арифметик қийматлари фарқининг статистик ишончилигини Стюдент тақсимооти критик қийматларини ҳисоблаш асосида баҳолаш натижалари фарқи ($P > 0,5$ аҳамиятлилик даражада) ишончсиз эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот бошида олинган тест натижаларининг нисбий фарқлари шунини кўрсатмоқдаки, ТГ ва НГ ларининг жисмоний тайёргарлик даражалари деярли бир хил. Ўрганилган адабиётлар таҳлилидан маълумки, ушбу кўрсаткичлар тадқиқот ўтказиш учун ишончли ҳисобланади. Бу кўрсаткичлардан кўришимиз мумкинки, ўрганилган тестлар бўйича синалувчиларнинг ёш даври учун вариация коэффицентининг бундай қийматлари яхши кўрсаткич ҳисобланади. Педагогик тажриба бошида аниқланган НГ даги қийматларга нисбатан ТГ даги ўртача арифметик қийматларининг нисбий фарқларини энг катта кўрсаткичи (3,76 %) “3x10 м масофага моқисмон югуриш” масофасида ва энг кичик қиймати (1,10 %) “30 м масофада тўпни олиб юриш вақти” машқида аниқланди. Ўрганилган саккизта тест бўйича нисбий фарқларнинг ўртача қиймати 2,40 % ни ташкил қилди.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқилган дастур самарадорлигини тажрибада асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида тажриба ва назорат гуруҳи футболчиларини жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили, футбол тўғарақларида қўлланилган машғулот воситаларининг қўллаш ҳажми ва меъёрлари самарадорлигини тажрибада асослаш, ишлаб чиқилган ҳамда амлиётга тадбиқ этилган “Умумтаълим мактабларида футбол тўғарақларини ташкил этиш дастури” бўйича олиб борилган машғулотларнинг самарадорлиги батафсил баён қилинган.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотда машғулотларнинг асосий қисми жисмоний сифатларни тарбиялаш, шуғулланувчиларнинг жисмоний саломатлигини ошириш ва футбол элементларига ўргатишни ўз ичига олди. Ўтказилган тадқиқотимизда машғулот юкламалари жисмоний тайёргарликни оширишга қаратилган мажмуавий машғулотларни ўз ичига олган бўлиб, ўтказилган барча машғулотларда юкламаларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлди (2-жадвал).

Техник – тактик ҳаракатларга ажратилган жами вақт 1967 дақиқани, ёки умумий машғулот вақтининг 29% ини ташкил этди. Бу машғулот юкламасининг энг катта қисмини ташкил қилди. Умумривожлантирувчи машқлар жами 557 дақиқа ёки умумий соатнинг 8% ини ташкил қилди. Тезлик тайёргарлиги машқларига жами 658 дақиқа ажратилган бўлиб, умумий соатнинг 9,6% ини ташкил қилди. Тезкор – куч тайёргарлиги машқларига жами 481 дақиқа ажратилган бўлиб, умумий соатнинг 7% ини ташкил қилди. Куч тайёргарлиги машқларига тадқиқот давомидаги соатларнинг 354 дақиқаси ажратилиб, ушбу ажратилган вақт умумий юкламалар ҳажмини 5% ини ташкил қилди. Чидамкорликни тарбияловчи

машқларга жами 683 дақиқа ажратилган бўлиб, умумий юкломанинг 10% ини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич машғулотларнинг жисмоний тайёргарликка ажратилган энг кўп миқдорини ташкил қилмоқда. Координацион қобилиятларни тарбиялашга қаратилган машқларга ажратилган вақт 506 дақиқани, умумий соатларнинг 7,4% ини ташкил қилди. Эгилувчанликни тарбияловчи машқларга жами 329 дақиқа, ёки умумий соатларнинг 5% и ажратилди. Ушбу кўрсаткич машғулотларга ажратилган юкломаларнинг энг кам миқдорини ташкил қилмоқда.

2-жадвал

11-12 ёшли ўқувчилар билан футбол бўйича олиб борилган машғулотларда тадқиқот давомида қўлланилган воситалар ҳажми (дақ)

Машғулотлар мазмуни	Сентябр – Ноябр	Декабр – Феврал	Март – Май	9 ойлик жами
Техник – тактик тайёргарлик	780	625	562	1967
Умумривожлантирувчи машқлар	182	175	200	557
Тезлик тайёргарлиги	208	250	200	658
Тезкор– куч тайёргарлиги	156	150	175	481
Куч тайёргарлиги	104	125	125	354
Чидамлиликни тарбиялаш	208	250	225	683
Координацион қобилиятларни тарбиялаш	156	175	175	506
Эгилувчанликни тарбиялаш	104	100	125	329
Миллий ва ҳаракатли ўйинлар	130	150	125	405
Назарий тайёргарлик ва ўйинлар	312	250	338	900
Жами	2340	2250	2250	6840

Машғулотлар давомида қўлланилган миллий ва ҳаракатли ўйинларга жами 405 дақиқа ажратилди. Бу кўрсаткич умумий соатларнинг 6% ини ташкил қилди. Ташкил этилган тўғарақларнинг назарий тайёргарлик ва ўйинларга ажратилган жами вақти 900 дақиқани, умумий соатларнинг эса 13% ини ташкил қилди.

11-12 ёшли ўқувчилар учун йиллик машғулотларни режалаштиришда асосий эътибор саломатликни мустаҳкамлашга, ҳар томонлама жисмоний тайёргарликка: тезлик, куч, чидамкорлик, координацион қобилиятлар ва эгилувчанликни ривожлантиришга қаратилади.

Тадқиқот давомида футбол тўғарақларида шуғулланувчиларнинг 9 ойлик машғулот режаси тасдиқланиб, унга кўра ҳафтасига 2 марта, 90 дақиқадан машғулотлар олиб борилди. Жами 76 та машғулот, 152 соат (академик) ни ташкил қилди. Шуғулланувчиларни йиллик машғулотларида 8 соат назарий тайёргарликка, 62 соат умумий жисмоний тайёргарликка, 18 соат махсус жисмоний тайёргарликка, 47 соат техник тайёргарликка, 11 соат тактик тайёргарликка, назорат тестларини ўтказишга 4 соат, тиббий кўрикдан ўтказишга эса 2 соат ажратилди. Бундан ташқари ўтказиладиган мусобақалар тасдиқланган режаси бўйича олиб борилиши белгилаб қўйилди. Машғулотларнинг назарий қисмида футбол спорт турига кириш,

ривожланиш тарихи, умумий ва махсус тайёргарлик ҳамда техник – тактик тайёргарлик бўйича умумий тушунчалар бериб борилди (3-жадвал).

3-жадвал

Футбол тўғаракларида 11-12 ёшли ўқувчилар учун йиллик машғулот воситаларининг тақсимланиши

№	Мазмуни	Соат ҳажми
1	Назарий машғулот	8
2	Умумий жисмоний тайёргарлик	62
3	Махсус жисмоний тайёргарлик	18
4	Техник тайёргарлик	47
5	Тактик тайёргарлик	11
6	Мусобақалар	Спорт тадбирлари иш режаси бўйича
7	Назорат тестларини ўтказиш	4
8	Тиббий кўрикдан ўтказиш	2
10	Умумий соатлар	152

ИЗОҲ:

1.11-12 ёшли болалар ўйини ҳажми кичиклаштирилган майдонда ўтказилади.

2.Шуғулланувчилар тиббий кўрикдан ўқув йили бошида ва охирида ўтказилади.

3.Тестлар ўқув йилининг бошида ва охирида ўтказилади.

Олиб борилган машғулотлар шуғулланувчиларни ёшини инобатга олган ҳолда тақсимланган юклама меъёрларига қатъий амал қилиниб ташкил этилиб, жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар жараёнида болаларга жисмоний тарбия дарсларида таниш бўлган воситалардан ва бошқа спорт туридаги (енгил атлетика, баскетбол, волейбол, қўл тўпи) воситалардан ҳамда миллий ва ҳаракатли ўйинлар, гимнастика машқларидан фойдаланилди (4-жадвал).

4-жадвал

Умумтаълим мактабларида 11-12 ёшли ўқувчилар учун ташкил этилган тўғарак машғулотларининг йиллик режаси

МАВЗУЛАР	Соатлар		
	Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот
Назарий машғулот	8		
Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарор ва фармонлар		1	-
Футболнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи		1	-
Ўзбекистонда футболнинг ривожланиш тарихи		1	-
Соғломлаштириш ва чиниқтириш масалалари		1	-
Умумий жисмоний тайёргарлик	62		62
Жисмоний тайёргарлик тўғрисида умумий тушунча		1	-
Саф машқлари. Юриш ва югуриш турлари		-	2
Қисқа, ўрта ва узок масофага югуриш		-	5
Тезлик қобилиятини тарбиялаш		-	6
Осилган ва таянган ҳолда бажариладиган машқлар		-	4
Куч қобилиятини тарбиялаш		-	6

4-жадвалнинг давоми

Миллий ва ҳаракатли ўйинлар		-	5
Спорт ўйинлари (волейбол, баскетбол, гандбол)		-	6
Чидамлилиқни тарбиялаш		-	6
Эстафета ўйинлари		-	6
Эгилувчанлиқни тарбиялаш		-	6
Миллий ва ҳаракатли ўйинлар			4
Координацион қобилиятларни тарбиялаш			6
Махсус жисмоний тайёргарлик	18		18
Махсус жисмоний тайёргарлик тўғрисида умумий тушунча		1	-
Тўпни ён чизиқдан ўйинга киритиш		-	2
8 метр масофага тўпни тўсиқлар орасидан олиб юриб дарвозага зарба бериш		-	4
Узоқ масофага тўп узатиш		-	4
3x20 метрга тўпни олиб юриш		-	4
Жонглёрлик қилиш		-	4
Техник тайёргарлик	47		47
Техник тайёргарлик бўйича умумий тушунча		1	-
Тўпга оёқда зарба беришни ўргатиш		-	6
Тўпни тўхтатишни ўргатиш		-	4
Тўпни олиб юришни ўргатиш		-	6
Футбол элементлари бор ҳаракатли ўйинлар		-	4
Тўпни узатиш ва тўхтатишни ўргатиш		-	6
Тўпни ён чизиқдан ўйинга киритиш		-	4
Тўпни олиб қўйишни ўргатиш		-	6
Тўпга бош билан зарба беришни ўргатиш		-	4
Узоқ масофага тўп узатишни ўргатиш		-	5
Дарвозабон ўйин техникаси		-	2
Тактик тайёргарлик	11		11
Тактика ва тактик тизимлар ҳақида тушунча		1	-
Майдонни кўра олиш бўйича машғулотлар		-	4
Хужум ва ҳимоя ҳаракатлари		-	4
Тўп билан ва тўпсиз тактик ҳаракатлар		-	3
Икки томонлама ўйинлар	Ўйинларда болаларнинг ҳар томонлама тайёргарликлари текшириб борилади, камчиликлар назарий машғулотларда айтиб борилади		
Мусобақалар	Спорт тадбирлари иш режаси бўйича		
Назорат тестларини ўтказиш	4	Шуғулланувчиларнинг техник, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини текшириш бўйича назорат меъёрларини олиш	
Тиббий кўриқдан ўтказиш	2		
ЖАМИ:	152	8	138

Асосий жисмоний сифатларни тарбиялаш орқали жисмоний тайёргарликни оширишга қаратилган машғулот юкламаларини меъёрлашда шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятлари ва спорт билан шуғулланганлик

даражаларига алоҳида эътибор қаратилган. 11-12 ёшли ўқувчиларнинг тезлик, чидамкорлик, куч, эгилувчанлик, координацион қобилиятларини тарбиялаш ва тезкор-куч сифатини ривожлантиришда уларнинг ривожланиш даражасига таъсирини ўрганиш орқали машғулот юкламалари меъёрланган. Уларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишга қаратилган ҳар бир машқнинг такрорлаш сони, сериялари, дам олиш оралиқлари ва тикланиш ҳолати бўйича аниқ кўрсаткичлари ҳисоблаб борилди. Берилаётган воситаларнинг шуғулланувчилар организмга таъсир этиш даражаси ЮҚС билан назорат этиб турилди (Polar Time 2).

Футбол билан шуғулланувчиларнинг ўйин давомидаги ҳаракатлари шиддати кичикдан юқори даражагача ўзгариб туради. Шуғулланувчиларнинг асосий жисмоний сифатларини тарбиялашга эришиш – жисмоний тайёргарликнинг оптимал бўлиши улар ҳаракат фаолиятининг самарадорлигини белгилаб беради. Шундай экан, тадқиқот давомида қўлланиладиган воситаларни мазмуни ва меъёрларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда футбол тўғрақларида фойдаланилган жисмоний машқларнинг қўлланилиш ҳажми ва меъёрлари белгилаб олинди (5-жадвал).

Чидамкорлик машқларидан фойдаланишни мураббий машғулотнинг мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда қўллайди. Чидамкорликка қаратилган машқларнинг қўлланилиши машғулотнинг асосий қисмида, яъни чигалёзди ва УРМ дан сўнг қўлланилади. Бу вақтга келиб эса шуғулланувчиларнинг ЮҚС дақиқасига ўртача $109,8 \pm 10,3$ зарба атрофида бўлди. Шуғулланувчиларнинг ЮҚС кўрсаткичи машқни бажариш вақтида дақиқасига ўртача $141,4 \pm 11,7$ зарба атрофида бўлиши керак. Бунда мураббий бажарилаётган ишнинг шиддати секинлашиб ва тезлашиб кетишини назорат қилиб туриши керак бўлади. Машқнинг давомийлиги 2-12 дақиқа (юқори шиддатда), 1-2 мартадан, 2 серияда бажарилади. Шуғулланувчиларга ушбу машқ бундан ортиқ берилганда нафас олиши ва юрак урушининг тезлашиши, ҳаракатлар уйғунлигининг бузулиши, масофани босиб ўтиш тезлиги пасайиши каби ҳолатлар ҳисобга олиниб шиддат ва ҳажми меъёрланди.

Тезлик сифатини ривожлантиришда кўрсатилган хусусиятларни инобатга олган ҳолда машқларни танлаб, уларнинг қўлланилиш шиддати ва ҳажми меъёрларини ишлаб чиқилди. Тезлик тайёргарлигига қаратилган машқларидан олдин шуғулланувчиларнинг ЮҚС дақиқасига ўртача $109,8 \pm 10,1$ зарбага тенг бўлади, машқни бажариш вақтида эса ЮҚС дақиқасига ўртача $182,5 \pm 11,4$ зарбага етади. Машқнинг давом этиш вақти 5-14 сонияни, такрорлаш сони эса 4 марта ва 3-4 серия этиб белгиланди. Машқнинг қўлланилиш шиддати ва ҳажми меъёрларини машғулот жараёнида бевосита қўлланилаётган юкламаларга шуғулланувчилар организмнинг ташқи жавобларига қараб белгилаб олинди.

Қатор мутахассисларнинг фикрича 11-12 ёшли ўқувчилар учун куч сифатини ривожлантириш сенситив давр ҳисобланмасада организмни ривожланиши ва ҳаракат фаолиятини мустаҳкамлаш учун ушбу ёшда ҳам кучни ривожлантириш бўйича машғулотлар олиб борилади. Куч сифати ёш

футболчиларни ҳаракат фаолиятларини самарали бажаришда, айниқса, ўйин давомида тўпга зарба бериш, тўпни ён чизикдан ўйинга киритиш каби ҳаракатларни амалга оширишда яққол намоён бўлади. Шуларни инobatга олган ҳолда футбол тўғаракларида шуғулланувчиларнинг куч сифатини ривожлантиришда қўлланиладиган воситаларнинг ҳам шиддати ва ҳажми меъёрлари белгилаб олинди.

5-жадвал

Футбол тўғаракларида фойдаланилган жисмоний машқларнинг қўлланилиш ҳажм ва меъёрлари

№	Мазмуни	Машқдан олдинги ЮҚС (Шиддат кичик)	Машқнинг давомийлиги	Машқлар орасидаги дам олиш (сония)	Машқни бажариш вақтида ЮҚС (Шиддат юқори)	Сериялар орасидаги дам олиш (дақ)	Машқдан кейинги ЮҚС (Шиддат кичик)	Меъёри	
								Такрорлаш сони	Серия
1	Чидамлилиқ	109,8±10,3	2-12 дақ	60-120	141,4±11,7	2	113,8±8,9	1-2	2
2	Тезкорлик	109,8±10,1	5-14 с	30-50	182,5±11,4	2	120,4±11,2	4	3-4
3	Куч тайёргарлиги	108,5±12,6	5-16 с	45-60	149,4±16,8	2-3	116,4±12,2	2-4	2-4
4	Координацион қбилиятлар	116,4±8,6	6-14 с	30-50	161,9±13,6	2	119,6±10,5	4	2-4
5	Эгилувчанлик	111,1±24,6	4-12 с	5- 20	122±36,2	1	108,4±10,8	6-8	4
6	Тезкор куч қбилиятлари	111,6±10,3	8-16 с	45-60	183,5±13,9	2	119,4±10,6	1-4	2-4

